

9 апрел - соҳибқирон Амир Темури туғилган кун Шохрисабзда катта шодидона билан нишонланди. Узининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган «яшил шаҳар»нинг бобомиз номи билан аталувчи хиббони эрталабданоқ воҳа зиёлилари, кенг жамоатчилик вакиллари, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Бу ерда бўлиб ўтган тадбирда Амир Темурининг ўзига хос ҳаёт йўли, кўп қиррали фаолияти, амалга оширган эзгу ишлари ҳақида гап борди. Тадбир қатнашчилари Амир Темури ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди. Шу кунги вилоятдаги олий ўқув юртлири, коллежлар, лицей ва мактабларда, ташкилот ва муассасаларда ҳам Амир Темури таваллудининг 666 йиллигига бағишлаб, турли хил тадбирлар, адабий-бадиий кечалар, илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди. Шохрисабзда бўлиб ўтган тадбирларда Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Ҳамидов иштирок этди. (ЎЗА).




# ИНСОН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ  
2002 йил 10 апрел, чоршанба №58 (1275)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БУХОРО ЮНЕСКО МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Бухоро шаҳри Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича «Шаҳарлар тинчлик учун ЮНЕСКО мукофоти»га сазовор бўлди.



Мукофот Мароқашда ЮНЕСКО бош директори Коичиро Мацуура томонидан топширилди. Тақдирлаш маросимида Бухоро шаҳри ҳокими Карим Камолов қатнашди. Бу мукофот икки йилда бир марта танлов асосида дунёнинг бешта минтақасидан бешта шаҳарга тақдим этилади. 2000-2001 йиллар учун ўтказилган

танловга 76 та шаҳар номзоди қўйилган. Мазкур халқаро мукофот 1996 йилда таъсис этилган. Бундан кўзланган мақсад дунё узра тинчлик маданияти фояларини кенг тарғиб этиш, ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида яхши натижаларга эришган шаҳарларни тақдирлаш ҳамда

халқаро миқёсда шаҳарлараро ҳамкорликни ривожлантиришдир. Бухоро ЮНЕСКОнинг ушбу мукофотида шаҳардаги тарихий обидаларни сақлаш ва қайта тиклаш, шунингдек, ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, турли миллатлар ва диний жамоалар ўртасида ўзаро ҳам-яхватликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳара-

катлари эвазига эришди. Таъкидламоқ керакки, мустақилликнинг илк йилларидан ҳозирга қадар Бухорода ЮНЕСКОнинг турли дастурлари амалга ошириб келинаётди. Чунончи, бу шаҳар 1991 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. 1996 йилда эса Бухоролик бир гуруҳ хунарманд усталар мазкур халқаро ташкилотнинг махсус совринларини кўлга киритганди. 1997 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи ҳам ЮНЕСКО раҳнамолигида халқаро миқёсда кенг нишонланди. Сўнгги бир неча йил ичида Бухорода ташкилот билан ҳамкорликда фан, таълим, маданият ва коммуникация соҳасида қатор анжуманлар ўтказилди. Шунингдек, Бухоро вилоятидаги 2 та ўрта мактаб ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури аъзоси саналади. (ЎЗА).

Халқимиз тарихда ўз фаолияти билан довруқ қозongan, миллатимиз фахри бўлмиш улўғ зотларни хамиша эъзозлаб келган. Буюк соҳибқирон Амир Темури шундай сиймолар сирасига кирди. Истиклолга эришганимиздан кейин жаҳонгир бобокалонимизнинг таваллуд кунларини кенг нишонлаш яхши анъанага айланди. Бу йил ҳам 9 апрель куни эрта тонгданоқ пойтахтимизнинг ул зоти шарифнинг номлари билан аталувчи сўлим хиббон жамоатчилик вакиллари, юртимиз меҳмонлари, зиёлилари, талаба ёшлар билан гавжум бўлди. Амир Темури таваллудининг 666 йиллигига бағишланган тантанали тадбирни Ўзбекистон Каҳрамони, халқ шоири А.Орипов очди.

юрт озодлиги, мамлакат фаровонлиги учун кураш тимсолига айланганидандир. Шуниси эътиборлики, бу йил биз, миннатдор авлод улўғ саркардага бешик бўлган кўҳна Кеш - Шахрисабзнинг 2700 йиллик тўйини кенг кўламада нишонлаймиз. Зеро, Темури ва темурийлар даврининг улўғ мероси нафақат мил-

лик, бунёдкорлик инсоният фаолиятининг бош мақсади бўлиб келган. Тадбир қатнашчилари Амир Темури руҳи покларига самимий эҳтиром рамзи сифатида ул зотнинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Дав-

## БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н.Ҳабибуллаев, Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси М.Зокирова ва бошқалар истиклол туфайли Амир Темури шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланганини таъкидладилар. Мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари қўяётган ҳар бир қадамида миллатимизнинг фахри ва ифтихори соҳибқирон ҳазратларининг руҳи бизга



лат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов қатнашди. Шу кунги Темурийлар тарихи давлат музейида «Амир Темури абадияти» мавзусида ирмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Соҳибқирон Амир Темури таваллудига бағишланган тантаналар бутун мамлакатимизда давом этмокда. Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Ер тўғрисидаги Кодекс, деҳқон-фермер, ширкат ҳўжалиги ҳақидаги қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларида қишлоқда исоҳотларни жадаллаштириш, мулкдорлар синфини шакллантириш кафолатлаб қўйилган.

## ИНСОН ҚАДРИ ҳар нарсадан улўғ

Вилоят кўмитаси ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришида қатнашаётган ходимларнинг меҳнати, ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш, белгиланган имтиёزلардан қандай фойдаланаётганилиги каби масалаларни мунтазам назорат қилиб турибди.

### Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устивор ҳимоячиси

Вилоятда фермерчилик ҳаракати кенг қўлоқ ёйганилиги, ер ўзининг ҳақиқий эгалари ихтиёрига топширилганлиги самара бермокда. Ҳозир воҳада 3551 та деҳқон-фермер ҳўжалиги бўлиб, 34 минг гектар майдонда зиротчилик билан шуғулланишмокда. Рўй берган оғир об-ҳаво шароитига қарамадан «Мустақиллик», «Саид ота», «Раҳим Нурулло» каби фермер ҳўжаликларига маҳсулот етиштириш кўпайиб, иқтисодий самарадорлик ошмокда. Қишлоқ инфра-тузилмаси ривожланаётганилиги туфайли меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазасига эътибор тобора ортаятти.

Айни пайтда агросаноат мажмуида 395 бошланғич ташкилотга уюшган 188 минг нафар касаба уюшма аъзоси мавжуд. Урганч шаҳар, Хонка, Гурлан, Шовот туманлари кўмиталари (раислари Ш.Бойжонов, Т.Қурбонов, Ш.Қозоқов, Х.Эшқонов), Хонқадаги «Ўзбекистон», Гурландаги Холметов номи ҳўжаликлари, Урганч ёғ-ҳўхисадорлик жамияти каби бошланғич ташкилотлар маъмурият билан тузилган жамоа шартномаларининг бажарилишини қатъий назорат қилаётганликлари самараси ўлароқ белгиланган режаларга эришилмокда.

Жамоа шартномаларининг бажарилиши учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 5 минг сўмдан сарфланапти. Ёш болали аёлларга қўшимча имтиёزلар бериши, икки ёшдан ўч ёшгача фарзанди борларга нафақа тўлаш, даволаниш харажатларини қоплаш, товуқ пули, тўй ва бошқа маъракаларни ўтказишда моддий ёрдам кўрсатиш каби имтиёزلардан кенг фойдаланиляпти. Энг кам иш ҳақи олувчиларга қўшимчалар салкам 58 миллион сўм, зарарли ва оғир шароитда ишловчиларга тўланган устама ҳақ 14,5 миллион сўмдан орткини ташкил этади. Тунги ишларда банд бўлганларга эса 11 миллион 194 минг, мавсумий ва зарурий юмушларга жалб қилинганларга қарий 16 миллион, йиллик иш якунлари бўйича мукофотлар учун 41,5 миллион, ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишга 86 миллион сўмга яқин пул сарфланган. Банкрот деб эътироф этилган ва тугатилган 22 та, санацияга тушган ҳўжалик субъектларида бўш қолган 8 минг нафарга яқин фуқаро ишга жойлаштирилди. 681 нафар киши касбга ўқитилди ва қайта тайёрланди. 30 нафар ходим пенсияга чиқарилди ва 3699 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. (Давоми 2-бетда)

## ЁШЛАР МАРКАЗИНИНГ САВОБ ИШЛАРИ

Наманган вилояти Чортоқ ва Чўст туманлари Қизил ярим ой жамияти кенгашлари қошида ёшлар маркази очилди.

Марказни очишдан мақсадимиз туман ёшларининг бўш вақтларини савоб ишларга йўналтиришдир, - деди халқаро «Қизил хоч» кўмитаси вакили Паоло Бернасconi «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Уларга бу ерда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ўргатилади. Ногиронлар ва яқка-ёлғизларни ҳолидан хабар олиш ҳамда уларга яқиндан ёрдам бериш ишлари амалга оширилади. Биз ушбу марказга доимо моддий кўмак бериб борамиз. Келгусида Ўзбекистоннинг бошқа туманларида ҳам шундай марказларни очиш ниятимиз бор.

Ёшлар маркази компьютер, телевизор, видеомагнитофон, мебеллар, тиббий анжомлар ва бошқа ускуналар билан тўлик таъминланган.



Доно халқимиз меҳнатнинг нони ширин, деб ба-жиз айтмаган. Турли хил мева, सबзавот ва поллиз маҳсулотларини бозордан сотиб олган бошқару-ўсиб турган жойидан сараларини ўзгариб олиб истеъмол қилган бошқару. Буни англаб етмаган, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш имконига эга бўлган айрим қишлоқларнинг томорқа ерларига чор-ва моллари ва паррандалар учун фақат мақкажўхори экиб қўйиб, ўзлари икки-ўч килограмм помидор ёки қартошқа учун туман марказига қатнаётганларини кўрсангиз таъжубланасиз. Лекин, биз ҳикоя қилмокчи бўлган тадбиркор бунинг акси.

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қорасу» ширкат ҳўжалигига қарашли «Қорасу» маҳалласида яшовчи Эшпўлат Умаров хонадонига кириб борганимизда, хонадон соҳиб янги кўчатлар учун қўшимча ер тайёрлаётганининг устидан чиқдик. — 45 йил шу ҳўжаликда юк машинаси хайдовчиси бўлиб ишлаганман, - дейди Эшпўлат ака. — Олти нафар фарзандимнинг турмуш шароитини яхшилаш учун қўшимча даромадни бошқа жойдан қидирадим. Мана, шу томорқанинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш режасини ўйладим. Пленка остида помидор кўчатларини ўстиришни йўлга қўйдим. Шун-

## Бир фармон шарофати

дан нолимаймиз. Фарзандларимнинг ҳам ерга меҳрлари баланд.

Яна бир хонадон — Зебо Нурматовалар томорқасида ҳам иш қизгин. Ҳозир 73 ёшга кирган онахоннинг зиммасига эрта бева қолиб, рини сотиб оладиган доимий миждозларимиз бор. Бугунгача 30 минг тупдан зиёд помидор кўчатларини сотиб улгурдик. Бу йилги мўлжалимиз 100 минг туп кўчат сотиш. Кўчатчиликдан ташқари ҳар йили мана шу ерлар-

## ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Избоскан туманида янги шошилинч тиббий ёрдам маркази фойдаланишга топширилди. Ушбу марказ Пойтуғ шаҳрида ҳашар йўли билан барпо этилди.

Амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 295 минг сўмни ташкил этади. Марказда ўрнатилган янги тиббий ускуналар тиббий хизмат даражаси ва сифатини ошириш имконини беради. (ЎЗА).

## ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНИГА НЕ ЕТСИН

ёлғиз рўзгор тебратиш масъулияти тушди. У нолиб ўтирмади. Маҳаллада пленка остида кўчат етиштириётганлардан ўрганиб ҳар йили эртаги кўчат етиштириди. Натижада турмуши яхшиланди, ўғли Маъмуржонни уйли-жойли қилди. Ҳозир тўрт нафар набиранинг бувиси. — 40 йилдан бундан кўчат етиштириб келаман, - дейди ака. — Помидор, чучук қалампир, бақлажон кўчатла-

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

## Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

«Хўжайкон туз» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг техникавий туз майдалаш чеҳи бошлиги Қўлдош Мустанов бинойидек ишлаётган эди. Шу орада вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жамият фаолияти текширилиб, бир неча масъул шахслар устидан жиноят иши очилди. Жамиятнинг собиқ раҳбари Т.Салоҳиддинов шунда дастак қилиб, чеҳ бошлигини эгалаб турган лавозимидан озод этди. Жабрланувчи раисга ўзининг ноҳақ жазоланганлигини тушунтирмоқчи бўлди. Аммо, раҳбар унинг гапларига эътибор беришни ҳам эп қўрмади. Бу орада тергов ишлари ниҳоясига

## АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

— Қаёққа борсанг боравер, мен шу ерда эканман — сенга иши йўқ, - деди. Ноилж қолган Қ.Мустанов ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат қилди. Мазкур шикоят хати мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилиб чиқил-

## АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

ганда ҳақиқатан ҳам, фуқаро Қўлдош Мустанов ишдан ноқонуний бўшатилган ва Меҳнат Кодексининг 101, 102, 188, 271-моддалари қўпол равишда бузилишига йўл қўйилгани маълум бўлди. Касаба уюшма томонидан «Хўжайкон туз» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг техникавий туз майдалаш чеҳи бошлиги Қ.Мустанов иш бериувчининг айби билан нотўғри ишдан бўшатилган деган ҳулосага келинди ва Қ.Мустанов олдинги эгалаб турган вазифасига тикланиши, раиснинг 85-чи (1) сонли буйруғи бекор қилиниши ҳамда жабрланувчининг мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи, етказилган маънавий, моддий зарар иш бериувчи томонидан тўлиқ қопланиши шартлиги ҳақида ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи Р.Кенжаев номига ёзма кўрсатма берилди. Ва, ниҳоят, ариза муаллифининг ҳақли талаби касаба уюшмалари аралашувида сўнг ўзининг тўлиқ ижобатини топди. Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири.

### Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

## Янги муқим иш ўринлари НИМАЛАР ҲИСОБИДАН?

**Рағбат, кучли ижтимоий қўллаб-қувватлаш туфайли одамлардаги имкониятлар юзага қалқимокда.**

Ҳўш бу жараён Сирдарёда қандай кечаяпти? Хусусий тармоқ вакиллари, хунармандлар бугун нималарга эришаётир? Таъкидлаш жоизки, тadbиркорларнинг илк қадамлари чакки эмас. Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми 38,9 фоиздан 45,3 фоизга кўтарилганиёқ фикримизга далилдир. Бугун кичик ва ўрта бизнес ривожига ҳисобига 13 минг киши муқим иш ўринларига эга бўлди. Энг муҳими, бу меҳнат ўринларининг 9593 таси воҳанинг қишлоқ ва овулларидан барпо этилган.

Утган бир йил вилоят ишбилармонлари ҳаётида чукур из қолдирди. Чунончи, 1131 та тadbиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 4544,3 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Вилоятда фаолият юритаётган 379 та кичик ва ўрта бизнес субъектларининг мингдан зиёд махсулотлари республика миқёсида реклама қилиб келинаётгани ҳам миразчўли ишбилармонлар меҳнати махсулини ифодадаб турибди. Шунингдек, хорижга махсулот чиқаришга киришган тadbиркорлар сон тўбора ошиб бораётир. Жумладан, Сирдарё туманидаги «Дони» фирмаси хорижлик ҳамкор ортирди. Бугун дунёнинг бир неча

хонаси қуриш, ўндан зиёд маҳалладошини иш билан таъминлаш орзусида яшамокда.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида авлодлар мероси бўлмиш халқ хунармандчилигига алоҳида эътибор қаратди. Юзлаб одамлар шу соҳа этагини тутиб, шоғирдлар тайёрлаб келмокда. Ёш иқтидорлар етишиб чиқаяпти. Ана шундайлардан бири, янгиерлик 9-синф ўқувчиси Насиба Сарибоева қўлида жило топаётган гиламчалар кўпчиликка манзур бўлаётир. Ёхуд ховослик хунарманд Бахтиёр Азимов яратган чилангарлик дастгоҳини олайлик. Бу дастгоҳ ихчамлиги, қулайлиги билан соҳа ходимларига кўп фойда келтириши мумкин. У зарурат тузилган чоғда катта устахонадагидек барча чилангарлик юмушларини ҳам удадлайди. Гапнинг сирасини айтганда, қадим Мирзачўл аънааналари билан уйғунлашган халқ амалии санъати истиқлоддан сўнқ кадр-қиммат топди.

Эртанги кунимиз, юксалишимиз, кичик ва ўрта бизнес ривожига чамбарчас боғлиқ. Шу боис ҳам вилоятда бу соҳага катта эътибор қаратилмокда. Хайрли юмушга кўл урган, юртта наф келтиришга бел боғлаган бирор киши эътибордан четда қолмаётир.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.**




## «САЙҚАЛ»НИНГ ХАРИДОРГИР МАХСУЛОТИ

Фаргона шаҳридаги савдо ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай эсада корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотлар тўбора харидорлар эътиборини қозониб бормокда. Айна пайтда мазкур корхонада ўндан ортик турдаги махсулотлар ишлаб чиқарилимокда. Маҳаллий ша-

роитда маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ўзининг бежиримлиги, қулайлиги, арзонлиги билан ажралиб туради.

**Суратларда: корхонанинг илғор ходимлари Фарҳод Солиев ҳамда Аҳмад Исмаиловлар.**

**М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.**



## Кўнгилисиз ҳодиса: унга йўл қўймаслик касаба уюшма фаолларига кўп жиҳатдан боғлиқ

Ёзёвон тумани Агросоноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси тизимидаги корхона, хўжалик ва ташкилотларда меҳнат интизоми қонун талаблари асосида ташкил этилмаганлиги натижасида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар рўй берди. Уларнинг аксарияти хўжалик раҳбарларининг амалдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларини бажармаганлиги, транспорт ҳайдовчиларининг йўлларда ҳаракатланиш қоидалари асосидаги ўқувлари ташкил этилмаганлиги, транспорт воситаларининг техник жиҳатдан носозлигига қарамай, фойдаланишга руҳсат этилганлиги ва бошқа сабаблар оқибатида юзага келган.

Хўжаликларда ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиб берилмаганлиги ва меҳнат интизомининг сустилиги натижасида ўтган йилда оқибати фожеа билан туғган ҳолатлар ҳам содир бўлди. Уларни текшириш якунларига доир қабул қилинган қарор бўйича 12 нафар мансабдор шахсга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Икки нафар масъул шахс лавозимидан бўшатилди.

Боқувчисини йўқотган оила-ларга Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 февралдаги 4-В сонли Қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ҳаракатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари»га мувофиқ 4 миллион 432 минг сўмдан кўпроқ миқдорда бир йўла берилмаган нафақалар ҳисобланган. Жойлардаги касаб

уюшмаларининг ташаббускорлиги туфайли 4 миллион 432 минг сўмлик нафақалар иш берувчилардан юқоридаги сингари кишиларга ундириб берилди. Шу билан бирга, боқувчисининг қарамоғида бўлган 18 нафар меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий кил қилиш бўйича таъсис йиғилиши қарорларини қандай чиқариш лозимлиги ҳақида, фермер хўжалиги ички тартиб-қоидалари туман фермерлар уюшмаси билан туман касаба уюшма кўмитаси ўртасидаги битим, меҳнат шартномаси, фармойишлар бўйича намуналар, фермер хўжалиги жамоа шартномасининг намунавий нусхаси борасидаги иш юритиш ҳужжатлари билан яқиндан танишишлари мумкин.

Яқинда бўлиб ўтган вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма кўмитасининг кўча сайёр йиғилишида ана шу ва бошқа долзарб масалалар юзасидан қизгин фикр алмашувлар бўлди. Шунингдек, унда ишдан озод этилган касаба уюшма ходимлари маошини иш берувчилар ҳисобидан қоплашдаги ижобий ҳолатлар ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тавсиялар берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда 2001 йил «Оналар ва болалар йили» муносабати билан ўтказилган «Энг яхши касаба уюшма ташкилоти» кўрик-танловининг якуни чиқарилиб, танлов ғолиблари 1, 2, 3-даражали диплом ва қиммат баҳо совғалар билан тақдирландилар. Бу аънавий тadbирни давром эттириш, касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини янадаохишлаш мақсадида «Қарияларнинг кадрлаш йили» муносабати билан ҳам кўрик-танлови эълон қилиниб, АСМ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг раёсат қарори қабул қилинди.

**Абдувоҳид МАМАСИДИҚОВ, Фаргона вилояти АСМ ходимлари касаба уюшма кўмитаси маданият, спорт ва соғломлаштириш бўлими мудири.**

## ИНСОН ҚАДРИ ҳар нарсадан улуг (Боши 1-бетда).

Касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири — меҳнатқашларнинг ҳақ-хўқуқларини ҳимоялашдир. Вилоят кўмитасида 260 нафар ишчи ва пудратчи қабул қилиниб, улардан тўқсон фоизининг талаб-истаклари қондирилди. 22 та ёзма аризадан 21 таси ижобий ҳал этилди. Чунончи, Урганч туманидаги Жалолиддин Мангуберди номили ширкат хўжалигининг бедачилик бригадаси аъзолари ва чорвадорлари М.Кенжаев, М.Ражабов, С.Сапаева, Қ.Бобононов, Р.Бекнонов, А.Алланазаров, У.Каримов, Р.Яхшимуродов, А.Ҳайитбоев кабилар ойлик маошларини ололмаётганликлари, бундан ташқари, улар жамоа хўжалиги ширкатга айлантирилиши муносабати билан ҳеч қандай оғохлантиришсиз ишдан бўшатиб юборилганлиги ҳақида шикоят қилган эдилар.

Касаба уюшмаси аралашуви билан 12 нафар чорвадор ва бедачилик бригадаси аъзолари ишга тикланиб, 448 минг сўмлик маошлари ундириб берилди. Утган даврда мажбурий бекор юрган, ишдан ноқонуний бўшатишган ходимларга 7 миллион сўмликдан ортик маблағ ундириб берилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлиги учун 7 нафар мансабдор шахс жаримага тортилди. Иш жараёнида меҳнат қобилиятини йўқотган Шовот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоси Болтовой Раҳимов касаба уюшмаси аралашуви билан тиббий меҳнат экспертизасидан ўтказилиб, ногиронликка чиқарилди. Хозарас тумани «Хоразм» ширкат хўжалиги аъзоси Маҳмуд Мадримов ишлаб чиқаришда жароҳат олиб, иш қобилиятини йўқотган ва товон пули ололмаётган эди. Кўмитанинг бевосита ёрдами билан унинг 112 минг сўми ундирилишига эришилди. Янгиариқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоси Шокир Каримов ҳам иш жараёнида жароҳатланганлиги учун 170 минг сўмлик товон пулини олишга муваффақ бўлди.

Ҳисобида маблағи бўлмаган хўжаликлар томонидан ишчи-хизматчиларга гўшт, қанд-шакар, бугдой, ун, ёғ ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотлари бериб борилаётти. Кам таъминланган 4066 оилага 23 миллион 248 минг, ногирон ва етим болалардан 736 нафарига касаба уюшмалари ҳисобидан 706500 сўм моддий ёрдам берилди. Биргина Шовот туманида кам таъминланган 820 оилага 473 минг сўмлик махсулотлар, 367 минг сўмлик кийим-кечаклар ҳада этилиб, меҳр-муруват кўрсатилди.

«Пахтаसानототиш» ҳиссадорлик жамияти жамоаси вилоят болалар шифохонасини таъмирлаш учун 10 миллион ҳомийлик, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига 36 миллион сўмлик хайрий ёрдами кўрсатди. «Урганчидромелиорация», Жива агроиқтисодий коллежи иқтидорли талабаларига кўмита ҳисобидан 9 минг сўмдан ойлик стипендия таъсис этилган.

Оддий меҳнатқаш ўз ҳаёт фаолияти ва иш жараёнида ноҳақликларга, адолатсизликларга дуч келса касаба уюшмаларига мурожаат этади. Шу боис қонунлар талабларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳақ-хўқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳамisha камарбастамиз.

**А.ҚУРБОННЌЗОВ, Хоразм вилоят Агросоноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси расининг ўринбосари.**

## ЖАННАТИ БОҒЛАР

Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 666 йиллиги Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида катта тантана билан нишонланди. Туман ғаллatchилик, сабзавотчилик, мевачилик ва чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлайдиган 5 та йирик саноат корхонасига эга. Туман ҳудудида соҳибқирон бобомизнинг «Давлатобод», «Богизогон» сингари боғлари мустақиллик йилларида қайта тикланди.

Тўйга тўёна билан деганларидек, шу кунни туман марказида барча қулайликларга эга бўлган янги шифохона ҳамда Богизогон қишлоғида хусусий травматология поликлиникаси фойдаланишга топширилди.

## ЧИҚИНДИДАН СПОРТ ТўРЛАРИ

Яккабоғ туман ҳокимлигининг ташаббуси билан «Яккабоғ тўқимачилик» ҳиссадорлик жамияти корхонасида қиқиндилардан спорт тўрлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жамият ишчилари томонидан тайёрланган дастгоҳлар ёрдамида бир кунда воллейбол ва футбол дарвозалари учун ўнга яқин тўр тўқилимокда.

Корхона дастлабки махсулотларини туман мактабларига бепул тарқатди. 400 донага яқин тўр эса Китоб, Шахрисабз, Қашша туманидаги мактабларга сотилди.

Янги цех туфайли йиғирма нафар хотин-қиз ишли бўлди. (ЎЗА).



**Иқтидорли журналист, публицист Кодиржон Собиров умрини газетага бағишлаган забардаст ижодкорлардан бири. Уни ҳамкасблар, муштарийлар ҳуқуқий мавзуларда қалам тебратувчи мутахассис журналист, қатъиятли инсон сифатида яхши танишди, эъзозлашди. Унинг «Инсон ва қонун», «Жиноят ва ҳазор», «Адолат судда тикланди», «Ҳукм ўқилди» каби рунқлар остида эълон қилинган қўллаб мақоалалари газетхонлар томонидан алоҳида эътибор билан кўтиб олинган. Муҳими, бу чиқишлар қанчадан-қанча инсонларнинг мушқулларини осон этган.**

**Ҳамкасбимиз ўзининг «Дардин билан яшайман, дунё!», «Она юртим», «Булутли кўнлар», «Фарҳод кўчасидаги қотиллик» каби киссалари билан ҳам эл-юртга танилган.**

**Бугун Кодиржон Собиров ўзининг муборак 60 ёшини шўқроналик билан нишонламокда. Иқтидор эгаси, ёшлар мураббийси, газета жонкуяри бўлмиш ҳамкасбимизнинг самимий муборакбод этиб, омад, муваффақият ёр бўлсин, асло чарчаманг деймиз!**

... Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги Собир Раҳимов номили хўжалик раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаевнинг республика миқёсида кўпчилик танийди. У ҳозир етимишни қоралаб қолган. Аммо, бақувват, куч-ғайратга тўла.

— Мен икки марта дунёга келган одамман, — деганди у илк бор танишганимизда, — биринчи марта 1933 йилда таваллуд топган бўлсам, иккинчи бор 1991 йилнинг 31 август кун қайта туғилдим. Ёруғ, чарогон, олам нурга тўлган кун эди ўшанда. Республика Президент Олий Кенгаши мин-

баридан туриб давлатимиз мустақиллигини эълон қилганида, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ушанда 58 ёшга тўлгандим. Аммо, ҳаётим янгидан бошланган эди гўё...

Иброҳим ака билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. Унинг умр саҳифаларида томчида куёш акс этгани каби юртимиз, халқимизнинг тақдирини ўз ифодасини топган. Мустақиллик йилларининг ўқинчларини, изтиробини, аламларини, мустақиллигимиз мевасининг тотли нёъматлари ҳамма-ҳаммаси унинг дилида муҳрланган эди.

— Озодлик деганда мен халқимиз, одамларимиз руҳиятидаги

озодлик ҳақида кўпроқ ўйлайман, қувонаман, — дейди суҳбатдошимиз.

Донгдор раиснинг ушбу сўзлари сира ёдан чиқмайди:

— Агар бир нарсани пайқаган бўлсангиз, ўтган ўн йил ичида халқимизнинг қадди-қомати мана шу рўпарамизда савлат тўкиб турган тоғлар каби дол кўтарилди. Ўзлигини англаб етди у. Фарзандларимизнинг бахтини кўриб кўзингиз тўймайди...

Сурхондарё билан Андижоннинг оралиги деярли минг километр. Биз билан мулоқотда бўлган иккинчи суҳбатдошимиз гўзал Бўз туманида яшайди. Кўп йиллардан бери Нодира номили педагогика билим юртида ёшларга сабоқ бериб келган Ваҳобжон Тожиматовдир.

Март ойининг сўлим оқшоми эди. Биз дўстимиз ховлисидидаги шинамгина сўрида бир пиёла чой устида гурунглашиб ўтирдик.

— Биласизми, — деди сўз орасида Ваҳобжон ака, — бундан ўн йил аввалги ёшлар билан ҳозирги ёшлар орасида ер билан ос-

мончалик фарқ бор. Уларни бир нарса кескин ажратиб туради. Бу — ҳозирги ёшларимиздаги ватанпарварлик, фидойилик, халқ иши учун қуночаклик, сергаклик, руҳан тетикликдир. «Шу Ватан, шу она замин энди ўзимизники» деган ўй-фикр ҳар бирининг юрак-юрағига сингиб кетган. Шу нарса уларга куч-қувват беради, илҳом беради.

оодамийлик, оқибат кучли! Қолаверса, халқимизнинг юзида ёруғлик, фарзандларимизнинг толе дафтаридан эса катта келажак бор...

Ҳаёл яна узокларга етақлайди. Ногоҳ кўнжа Ама ёқасида жойлашган «Богот» жамоа хўжалигининг Хоразмда донг таратган раиси Машариф ога Қувововни, шу хўжалик оқсоқали, саксон ёшли Искандар Са-

фоевни эслаймиз. Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф ога Қувовов ҳақида кўп ёзилган. Лекин, оддий пахтакор Искандар ога Сафоевни кимлардир яхши билмайди. Бирок, биладиганлар оз эмас экан. Яна қаерда дегн! Нақ Америкада! Бу воқеанинг тарихи қизик.

АҚШда «Инсон—инсонга» деб аталувчи нодавлат ташкилот мавжуд. Ташкилотга 1956 йили АҚШнинг 34-пре-

## ШУ МУҚАДДАС